
“ЕТМИШБОЙ ҲОЖИ ОТА”НИНГ РЕЖАСИ ЕТМИШГА ЕТАДИ. ЮЗГА-ЧИ?..

Сентябрь охирлаб, ғалвир сувдан кўтариладиган – сарак саракка, пучак пучакка ажраладиган муддат яқинлашмоқда. Даромад олишни, ўзини ҳам, эл-юртни ҳам бой қилишни кўзлаган фермер борки, даладан бери келгани йўқ: заҳматли меҳнат эвазига етиштирилган “оқ олтин”ни сўнги мисқолига қадар йиғиб-териб олиш илинжида. Бир ёқда Она табиат ўз саховатини кўз-кўз қилиб турибди: “Мана сенга олам-олам гул, этагингга сиққанича ол”, дея...

Хўш, Бағдод туманида жорий йилги пахта йиғим-терими қандай аҳволда? Мавсум уюшқоқлиги қай омилларда намоён бўлаётир? Давлатга пахта хомашёсини сотиш бўйича контрактация шартномасини имзолаган фермерлар ўз зиммаларидаги мажбуриятларни уддалашга қодирми?

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Пахта терими бўйича мониторинг маркази”дан олинган маълумотларга кўра, 26 сентябрга қадар маррага етиб келган фермер хўжаликлари сони 15 тага яқинлашиб қолди. Давлатга 14 минг 400 тонна миқдорида қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб беришни мақсад қилган бағдодликлар шу кунгача 9 минг 131 тонналик хирмон кўтаришди (режага нисбатан 63,4 фоиз). Уюшқоқлик, кўтаринкилик каби бу мавсумда муҳим саналган сифатлар пахта майдонларидан кунига 640-650 тонна атрофида ҳосил йиғиб-териб олинаётганида манаман деб кўриниб турибди. Бироқ бундай умидбахш белгилар айрим фермерлар манглайда зоҳир бўлмаяпти.

“Етмишбой ҳожи ота” фермер хўжалиги аъзолари бу мавсумда 53,9 гектар майдонга чигит қадашган ва давлатга 137,4 тонна “оқ олтин” сотиш мажбуриятини олганлар. Минг афсуски, хўжаликда терим суръати ҳавас қилгулик эмас: шу вақтгача давлат омборларига 64 тонна хомашё юборилган, холос. Теримчилар сонининг камлиги сабабли, эндигина 45 гектардан сал ортиқ майдонда 1-терим якунланди. Вахолонки, мавсум аввалида 145 нафар теримчи шакллантирилиши белгиланган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич кунига 35-40 нафарни ташкил этмоқда.



Хўжалик тасарруфидаги пахта майдонларини кўздан кечирар эканмиз, таъбимиз хира тортди. Ёзу қатор оралари уз вақтида бегона утлардан тозаланмагани боис, ҳосил ҳам шунга ярашаз Яккам-дуккам теримчи опа-сингилларимиз ҳар ён-ҳар ёнда эгатларга эгилган. Авж йўқ! Кўтаринкилик йўқ!

Иш бошқарувчи Аҳроржон Очилдинов мазкур ҳолат бўйича қуйидагиларни маълум қилади:

- Туманимиз раҳбарлари эътироз билдирганича бор: бошида чинданам бир оз сусткашликка йўл қўйдик. Уюлмаган аҳолини етарли даражада жалб қила олмадик. Тан оламан, бу борада ҳалиям оқсаяпмиз. Лекин ҳолатни ўнглаш мақсадида керакли ишларни қиляпмиз. Масалан, теримчиларнинг ҳар кунлик терим пулини даладан чиқмасларидан беряпмиз. Тушлик ва бошқа маиший шарт-шароитларни ҳам яхшилаб олдик. Энди-и-и, шуни айтишим керакки, хўжалигимиз ташкил этилганидан буён, 2-3 йилни инобатга олмаганда, барча режаларни бажариб келган. Лекин яқинда ўтказилган оптималлаштириш жараёнида ёнимизда жойлашган ва нисбатан қолақ бўлган “Умарали Одил” фермер хўжалигининг экин майдонлари ҳам бизга қўшиб берилди. Мана, кўриб турибсиз, аёлларимиз пахта тераётган бу пайкалларда агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилмаган, сувида кечиккан, бегона ўтлардан тозаланмаган. Хуллас, аввалги фермер талаб даражасида ишламаган. Шу ҳол бизнинг оёғимиздан чалиб турибди энди. Тўғри, пахтани бошқа биров эккан, деган гап билан ўзимизниям, раҳбарларимизниям овунтирмоқчи эмасмиз. Насиб қилса, белгиланган режани албатта бажарамиз!



Хўш, хўжалик иш бошқарувчиси “режани бажарамиз!” дея қатъий ишонч билдирмоқда. Шу ўринда, “ниманинг ҳисобига?” деган ҳақли савол туғилади.

- Мана, қаранг: 26 сентябрга келиб, давлатга 64 тонна пахта сотдик. Хирмонда териб олинган ва ҳозирда қуритилаётган 18 тонна ҳосилимиз бор. Буларни қўшинг – 82 тонна! Яна 9 гектар майдонда 1-терим пахтаимиз турибди, 20 центнердан берса, буям 18 тонна. Жами – 100 тонна! Худога шукр, 2-терим учун ғўзаларимиз қийғос очилиб ётибди, яқин 54 гектар ердан ўртача ҳисобда 5 центнердан ҳосил кўтарсак ҳам, 27 тонна бўлади. Ҳаммаси бўлиб 127 тонна бўлди. Қолган 10 тоннаси учун, мана, ўзингиз кўринг, ҳар туп ғўзада 7-8 тадан кўсак бор. Об-ҳавосидан бериб терса, тўлдирворамиз...



Албаттаки, меҳнат қилган инсон манфаат кўришни истайди, жўяли асосланмаган ҳисоб-китоблар билан ўзини ўзи овутиб-совутади. Бироқ, ҳақиқатни айтадиган бўлсак, ҳали териб олинмаган пахта – бизники эмас! Ахир октябрь – ёмғирли-туманли кунлар эшик қоқиб турибди. Мавсум бошидан буён 35-40 чоғли теримчи билан эндигина режанинг 41 фоизини адо этган фермер, ана боринг, етмишга илашиб қолар, лекин юзлик маррага етиши қийин-ов. Майли, яхши гумонда бўламиз: “Етмишбой ҳожи ота” фермер хўжалиги аъзолари эртадан бошлаб шиддатни оширар ва тез кунда илдамлар сафига қўшилар...

Бағдод тумани ҳокимлиги

Ахборот хизмати.

2019-09-27 17:35:02